



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 210 (12.521)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 22 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асослари кўриб чиқилди ҳамда 2013 йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгиланган берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, энг аввало ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш жадваллаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадвал ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ошириш, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари фаолиятини диверсификациялаш, шунингдек, аҳоли бандлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини изчил ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, жадвал иқтисодиётида муаммолар кучайганлигига ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганлигига қарамай, мамлакатни иқтисодий ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастури тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлиқни ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари – 9,4 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари – 15,9 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари – 6,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажмлари – 14,7 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари – 12,4 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдоридagi профит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестиция сиёсати фаол амалга оширилиши инвестиция муҳитини такомиллаштириш чора-тадбирлари билан биргаликда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 12,5 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларнинг – 12,4 фоизга ўсишига қўмақлашди. 2,2 мингта янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, 60 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тугалланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқиш ҳажмларининг ҳисоблаб чиқилган экспортнинг ўрнини босиш самараси 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 39,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти йўлидаги маъмурий тўсиқларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш йил бошидан буён 21,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга, кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 15,2 фоизга ўстиришга ва ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 51,2 фоизгача кўпайтиришга қўмақлашди.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ишчи яхшилаш бўйича «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларини фаол амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. Дастур тадбирларини молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 5,6 триллион сўмга яқин маблағ ва 250 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Мажлисида 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилишининг бориши муҳим устувор вазифа сифатида батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2013 йилнинг ўтган 9 ойида 833,4 мингта янги иш ўринларини ташкил этиш таъминланди, улардан 488 мингтадан ортиғи ёки 58,6 фоиз қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Муҳокама давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, касб-хўнара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича ишларни ташкил этишда йўл қўйган камчиликларни учун республиканинг бир қатор туманлари ҳокимларининг фаолияти қаттиқ танқидий муҳокама қилинди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тижорат банклари, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари олдида аҳоли бандлигини таъминлаш ва қўшимча янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Бунда етакчи тижорат банклари-нинг ўз маблағлари ҳисобига замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва янги иш ўринлари яратиш учун инвестицияларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги кўп тармоқли марказий по-

ликликка қарашли «Алгоритм» филиалида «Она ва бола саломатлиги муҳофазада» мавзусида ёш оналар билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «8-Автобус саройи»да «Йўловчи хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари» мавзусида тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** 2-республика тиббиёт коллежида «Маданият ва маънавият миллатнинг руҳи» мавзусида адабий кеча уюштирилди.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Ёлқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

«FAYZ WOOD GROUP» МАҲСУЛОТЛАРИ — БИНОЛАР ФАЙЗИ

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Fayz Wood Group» Ўзбекистон – Латвия қўшма корхонаси – улардан бири.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада турли ўлчамдаги пол тахталари, паркетлар, рейкалар ва бошқа ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Бунда маҳсуот камераларда қуритилган ва сайқаланган, қарағай, арча, ёнғоқ, чинар ва заранг каби дарахтлар ёғочидан кенг фойдаланилади. Корхона маҳсулотлари сифат сертификатларига эга, ISO 9001:2000 халқаро стандартига мос. Айни пайтда корхона мутахассислари мижозга юксак сифатли сервис хизмати ҳам кўрсатади.

– Истеъмолчилар учун кенг қўламдаги танлаш имконияти мавжуд бўлган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат мамлакатимизда, балки хориж бозоридида ҳам талаб катта, – дейди «Fayz Wood Group» қўшма корхонаси директори Жаҳонгир Мусаев. – Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тадбиркорлиқни янада ривожлантириш борасида яратилаётган кенг имкониятлар, бож ва солиқ имтиёзлари хорижий шериклар билан муваффақиятли иш юритишимизда муҳим омил бўлмоқда. Мижозларимиз сафида мебоҳ ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар, хусусий тадбиркорлар кўп. Мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли кўргазмалар, саноат ярмаркалари ва кооперация биржаларида иштирок этиш бюртмачиларимиз сафини янада кенгайтириш, янги ҳамкорлар топишимизга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадвал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони соҳани модернизациялаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш ва турларини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу жараёнда хорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ишлаб чиқариш сифати ва ҳажминини янада оширишга хизмат қилмоқда.

римиш сафини янада кенгайтириш, янги ҳамкорлар топишимизга хизмат қилмоқда.

Юқори сифатли хомашё, замонавий саноат дастгоҳлари ва жамоанинги ишга булган юксак масъулияти самарасида «Fayz Wood Group» қисқа муддатда мамлакатимиздаги етакчи корхоналардан бирига айланди. Корхонада ишлаб чиқариш қўламини йил сайин кенгайиб, маҳсулотлар тури муттасил кўпайиб бораётди. Жумладан, 2012 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир миллиард сўмдан ошган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар бу кўрсаткич ўттиз фоиз ўсди.

Корхонада меҳнат қилаётган етмишга яқин ишчи учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида маҳ-

сус курслар ташкил қилинган. Ишлаб чиқариш жараёнига чет эллик мутахассислар ҳам жалб этилаётди.

– Саноат касб-хўнара коллежини тугатиб, ушбу корхонага ишга жойлашдим, – дейди Денис Сакмаркин. – Аввалига бир неча ой ишлаб чиқариш жараёнини ўзлаштириш бўйича сабоқ олдим, сўнг дастгоҳ оператори лавозимига тайинландим. Корхонамизда, биз, ишчилар учун барча шароит яратилган. Мана шундай нуфузли ва замонавий корхонада ишлаётганимдан жуда мамнунман.

Ўз маҳсулотлари билан хориж бозорларидаги ўрнини ҳам тобора мустаҳкамлаётган корхона жамоаси маҳсулот турини кўпайтириш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш устида астойдил иш олиб бормоқда. Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни юқори савияда ташкил этиш масалаларига бағишланган ҳудудий семинар ўтказилди. Унда Иштихон, Қўшраббот, Оқдарё ва Пайариқ туманларидаги сайловни ташкил этиш ва ўтказишга қўмақлашувчи комиссиялар аъзолари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмалари ходимлари иштирок этди.

● Бухорода фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда сайловга қўмақлашувчи комиссиялар, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг вазифалари, сайловни ўтказиш тартиблари ва унинг аяунларини чиқариш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

● Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги «Сулаймон пласт» масъулияти чекланган жамиятида пластик челақ, мева қадоклаш учун махсус қутилар, турли полиэтилен халтачалар ва бошқа ўн беш турдаги пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат Хоразм вилояти, балки қўшни Қорақалпоғистон Республикасига ҳам етказиб берилмоқда.

● Зулфия номидagi Давлат мукофотида номзодлар кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда юз нафардан ортиқ қиз беш йўналиш бўйича ўзининг истеъдод ва маҳоратини намойиш этди. Бир минг беш юздан зиёд иқтидорли қиз адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим йўналишларида ўз билим ва истеъдодларини намойиш қилди.

ЖАҲОНДА

● Питтсбургдаги Disney Research корхонаси мутахассислари болалар ўйинлари ва электрон китоблар учун фойдаланиш мумкин бўлган қозғалган генераторни ихтиро қилдилар. Ушбу Paper Generator иккита юпка металл фальга ўртасига жойлаштирилган тефлонли электритдан иборат бўлиб, энергия олиш мақсадида унинг устига қўл теккизиш ёки енгил уриб кўриш кифоя.

● Япониянинг машҳур Toyota автомобилсозлик компанияси i-Road русумли уч гилдиракли электромобилнинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиши ҳақида маълум қилди. Қизғи шундаки, ушбу янги модел жуда кам миқдорда ва фақат Япония бозори учун тайёрланади. Шаҳарларда татбиқ этиладиган махсус тизим доирасида кишилар ихтисослаштирилган станцияларда ушбу кичик электромобилларни ўзаро алмашишлари мумкин. Янги транспорт воситаларининг бутун ҳаракати ягона марказ орқали сунъий йўлдош алоқаси ёрдамида мувофиқлаштирилади.

● Жанубий Кореянинг Куми шаҳрида OLEV тизими билан таъминланган дастлабки иккита электр автобуслар ҳаракатлана бошлади. Янги автобуслар йўлда юраётган пайтида электромагнит индукция йўли билан энергия берувчи алоҳида қурилмалар билан жиҳозланган. Бундай автобуслар оғир аккумуляторларсиз ишлаши мумкин. Троллейбуслардан фарқли равишда уларга электр симлар ўрнатилмайд.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 8 августдаги ПҚ-2022-сон қарорига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини рағбатлантириш бўйича қўрилаган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ишларининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар – экспорт қилувчилар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардорлигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли, экспорт қилинадиган маҳаллий маҳсулотларнинг асосий турларига нархлар нозуҳ ўзгариб туришига қарамай, шу йилнинг ўтган 9 ойида экспорт ҳажми 13 фоизга ўсганлиги ва ташқи савдо айланишининг катта иқобий салёҳи таъминланганлиги қайд этилди. Йил бошидан бўён олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди. Экспортнинг умумий ҳажмида минтақавий корхоналарнинг улуши икки мартага қўпайиши таъминланди. Экспортнинг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг роли ва аҳамияти барқарор ўсиб бормоқда. Унинг улуши 2012 йилнинг шу давридаги 13,5 % ўрнига 19,1 фоизгача ўсди.

Ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспортга етказиб бериладиган маҳсулот турларини кенгайтиришининг мавжуд заҳираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш ишларини қўпайтириш зарурлигига қаратилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жағмармаси фаолиятини ташкил этиш ва тўлиқ фаолият юритишини жадаллаштириш топширилди.

Мажлисида келгуси йилларда қилинишни ўсиб бораётган ҳажминини таъминлаш учун пудрат қилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан қўрилаган чора-тадбирларнинг натижадорлиги-

ни ҳар томонлама қўриб чиқиш ва батафсил таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, ишлаб чиқариш тармоқлари ва иқтимоий соҳада қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш, намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли кейинги йилларда қурилиш ишлари ҳажми жадал ўсиши таъминланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,2 фоизга қўпайди.

«Давархитектқурилиш» кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вилоятларда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган ихтисослаштирилган қурилиш, пудрат ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг молиявий ҳолати ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўриб чиқиш учун республика Ҳукуматида киритиш топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш асосида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятининг аниқ нормативларини ишлаб чиққан ҳолда қишлоқда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва қўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида вазирлиқлар, идоралар, худудий бошқарув органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг иқтисодиёт тармоқлари, турар жой фонди, иқтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг куз-киш даврига тайёргили ҳолати, шунингдек, 2013-2014 йиллар куз-киш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка қамлаш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, «Ўзбеккумир» акциядорлик жамияти, шунингдек, бир қанча вазирлиқлар ва идоралар раҳбарларининг эътибори иқтисодиёт тармоқлари, иқтимоий соҳа ва турар жой фонди объектлари 2013-2014 йиллар куз-киш даврига тайёргили ва барқарор фаолият кўрсатишини, шу жумладан, газ-транспорт ва энергия таъминоти объектларининг барқарор ишлашини, табиий газ, қуямор ва электр энергияси узлуқсиз етказиб берилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда қамлаш тугаллашни тезлаштириш, шунингдек, ички бозорда улар нархининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймасдан аҳоли эҳтиёжини барқарор ва ишончли қондириш учун қиш-баҳор даврида сақлашга қўйилган заҳиранинг савдога тизимли қўйилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисида йиғим-терим бўйича қишлоқ ҳўжалиги ишларини тугаллаш, кузги бошоқли дон экинларини ўстириш ва кейинги йил ҳосили учун комплекс агротехника тадбирларини амалга ошириш ишларининг ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилда сув билан боғлиқ шароитлар жуда мураккаб бўлганлигига қарамай, агротехника тадбирларининг барча маҳмуни ўз вақтида ўтказиш, суғорма сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда қишлоқ меҳнатчиларининг омиқкорлиги жорий йилнинг 1 октябрга 1,97 миллион тонна пахта ҳомашесини етиштириш ва йиғиб олиш имконини берди, 21 октябрга келиб эса – пахта ҳомашеси бўйича давлат буюртмаси прогнози бажарилгани таъминланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, тегишли ҳўжалик бирлашмаларига пахта ҳосилини йиғиштириб олишни жадаллаштириш, кузги шудгорлаш, кузги бошоқли дон экинлари экиш ва уларни ўз вақтида суғориш, шунингдек, шўрланган ерларни ювиш, коллектор-дренаж ва суғориш тизимларини тозалаш, гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш тадбирларини амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирлиқлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, республикадаги йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳўкумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2013 йилда мамлакатни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли қарорлар яратишга доир аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА)

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ҳозирги даврда муҳим стратегик масала ҳисобланиши инновацион ривожланиш жараёнини жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлаш, айниқса унинг кечиктириб бўлмайдиган йўналишларини янада ривожлантириш, ҳар бир давлат олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланди.

Анжуманлар

ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

цион ривожланиш жараёнини жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлашга бағишланган аънаваный XVIII «Инновация — 2013» Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган, шунингдек, ўзбекистонлик олимлар, саннат ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, тадқиқотчилар, тадбиркорлар, иқтидорли ёшлар ва уларнинг устозлари қатнашди.

Анжуманнинг ялпи мажлиси Стратегик инновациялар ва информатизация маркази директори, профессор О.Қодиров, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори К.Санакулов, Жанубий Урал давлат университети профессори А.Бутрин ва бошқаларнинг «Стратегик инновациялар ва информатизация марказига 25 йил», «Навоий кон-металлургия комбинатининг инновацион ривожланиши йўлида», «Қорхона инновацион ресурс теҳамкорлиги ривожланишининг ташкилий-иқтисодий асослари» каби маърузалари билан бошланди. «Таълим ва ёшлар муаммолари», «Иқтисод соҳаларидаги инновацион жараёнлар», «Ўқилиш-энергетика, минерал ҳом-ашё ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларининг ечимини ўн инновацион усуллар ва технологиялар», «Кончилик иши ва металлургия», «Объектлар ва технологик жараёнларни автоматик ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари», «Математик моделлаштириш ва тизимли таҳлил», «Информацион технологиялар ва тизимлар ҳамда уларнинг амалий жиҳатлари (масофадан туриб ўқитиш, электрон вариантли савдо ва б.), «Информацион хавфсизлик муаммолари», «Сув — қўллар — экология: муаммолар ва ечимлар» йўналишлари бўйича ялпи мажлис ва шўъбаларда 200 га яқин чиқишлар бўлди, материаллар тақдим этилди.

Анжуманда мамлакатимизнинг интеллектуал ва иқтисодий салоҳияти намойиш этилди.

18 йил мобайнида ўтказиб келинаётган «Инновация» анжуманининг аънаваный бўлиб қолгани беҳиз эмас. Ўтган йиллар мобайнида қўллаб-қувватлаш экспертизадан ўтказилган ва муайян иқтисодий фойда келтирди. Анжуман иштирокчиларининг каттагина қисми фан докторлари ва номзодлари сафига қўшилди.

Анжуман якунида биз хориқлик олимлар билан суҳбатлашдик. Мен Ўзбекистонда биринчи марта бўлишди, — дейди Белгород давлат университети (Россия) профессори Юрий Рубанов. — Анжуман катнашчиларнинг илмий салоҳияти, олдинга сурилган фикрлар, айниқса, М.Искандарова, Ф.Нурқулов каби олимларнинг маърузаларидаги фикрлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Шўъба йиғилишида тадқиқот ишлари, фан ва техниканинг ишлаб чиқариш билан интеграциясига эътибор, шунингдек, ёшлар тадқиқотлари, «Устоз-шогирд» тизимида тайёрланган илмий ишлар эътиборга моликдир.

Ҳуқуқ, бурч ва масъулият

БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

«Махсустрас» Ишлаб чиқариш бошқармасининг асосий иш фаолияти Ўзбекистон Республикаси автомобил ва дарё транспорти агентлигининг Тошкент шаҳар худудий бўлимининг 2009 йил 15 январь АТ 0020020-сонли лицензияси ва Тошкент шаҳар моно-полиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг 2011 йил 31 май 8-М-сонли хабарномасига биноан Тошкент шаҳридан қаттиқ ва суяқ ҳолдаги маиший чиқиндиларни йиғиш, олиб чиқиб кетиш ва жойлаштириш ишлари билан боғлиқ.

Тошкент шаҳрини меъёрий санитар ҳолда ушлаб туриш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун, чиқинди ташувчи автомобиль ва механизмлардан режавий муттасил тизим бўйича унумли фойдаланилади. Кўп қаватли турар жой уйлар хонадонлари маиший чиқиндиларни қўриқланадиган чиқиндиларни йиғиш шохобчалари ва модул туридаги қўриқланмайдиган майдончаларга ўрнатилган 750 ва 1100 литрлик чиқинди қутлиридан фойдаланади.

Шахсий уй-жой секторидан маиший чиқиндиларни олиш «сигнал» ва белгиланган режа усулида амалга оширилади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун асос, шахсий уйлар ва кўп қаватли турар жой хонадонлари билан «Махсустрас» туман корхоналари ўртасида таъзилган шартнома ҳисобланади.

ИСТЕЪМОЛЧИННИНГ ҲУҚУҚИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ:

— шартнома кўзда тутилган муддатда ва сифатли хизматлардан фойдаланиш;

— истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз ва мулкига зарар келтирмайдиган сифатли ва белгиланган ҳажмдаги санитар-гигиена талабларига жавоб берадиган хизматлардан фойдаланиш кафолатига эга;

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ «Ижрочи» томонидан кўрсатилган қоникор-сиз хизматлари учун, истеъмолчи ҳаёти, соғлиғи ва мулкига, шунингдек унга етказилган барча маънавий зарарларни қоплашинини талаб қилиш;

— шартнома тузиш вақтида Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан тасдиқланган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш муддатини белгилаш.

Агар «Ижрочи» ўз вақтида хизмат кўрсатишини бошла-маса ёки хизмат кўрсатиш вақтида бажарилмаслиги аниқ-ланса, шунингдек хизмат кўрсатиш вақтидан ўтиб кетса «Истеъмолчи» ўз ҳуқуқига биноан;

— «Ижрочи» янги муддат тайинлаш ва шу вақтда хизмат кўрсатишини бошлаш ва бажариш;

— тўловларни қамайтиришни талаб қилиш;

— шартномани бекор қилиш ва зарарни қоплашни талаб қилиш;

«Истеъмолчи» хизмат кўрсатиш жойига «Ижрочи» бе-малол кириш-чиқиш ва қоронғи вақтида ёритиб беришни таъминлашга мажбур.

TOSHKENT SHAHAR HOKIMLIGINING HUDUDYI KOMMUNAL FOYDALANISH BIRLASHMASI MAXSUSLASHTIRILGAN

TRANSPORT «MAXSUSTRANS» DAVLAT ISHLAR CHIQARISH BOSHQARMASI.

«Истеъмолчи» шартнома шартларига амал қилишга мажбур:

Шартномада кўзда тутилган муддатда кўрсатилган хизматлар тўловини амалга ошириш;

— хизматлари учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаган тақдирда Истеъмолчи шартномада белгиланган миқдорда жарима (пеня) тўлайди, бироқ муддати ўтган ҳар бир кун учун тўловлар муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,1% дан ошмаслиги керак. Пеня миқдори

10. ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА ҚАРАШЛИ «MAXSUSTRANS» ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

Тошкент шаҳрининг санитар ҳолати, кўчалар тозаллиги энг аввал инсоннинг соғлом ҳаёт тарзига интилишдир.

кўрсатилган хизматлар қийматидан 50% ошиб кетмаслиги лозим.

Ижрочининг ҳуқуқи, мажбурияти ва жавобгарлиги:

1. «Ижрочи» шартномада кўзда тутилган муддатда, сифатли ва мажбурий меъёрий талаблар ва шартлар асосига хизмат кўрсатишини амалга ошириш.

2. «Ижрочи» қуйидаги ҳуқуқга эга:

— шартнома шартларига риоя қилмаганда «Истеъмолчи» чора қўриш;

— кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганда пеня талаб қилиш;

— кўрсатилган хизматлар учун тўловлар уч ойдан ошқ вақтда амалга оширилмас хизмат кўрсатишини тўхтатиш.

3. «Ижрочи» мажбурияти:

ИЛОВА: «Махсустрас» ИЧБСИ кўрсатилган хизматлари бўйича давлат органларининг қуйидаги телефонларга мурожаат қилинади:

Тошкент шаҳар ҳокимияти

Тошкент шаҳар прокуратураси:

Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бўлими

Тошкент шаҳар ХУЖМШ ассоциацияси:

«Махсустрас» ИЧБСИ:

тел.: 239-05-52.

тел.: 1007; 271-12-26;

тел.: 277-75-43;

тел.: 250-03-85, 250-15-54

тел.: 247-02-11, 247-60-29.

Азамат ҲАЛИМОВ,

Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги «Uzinfocom» маркази вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқароларнинг мурожаатлари соҳасида ишлайдиган мутахассислари ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари О.Муродов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятимизни модернизациялаш ва ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, хусусан, миллий қонунчилигимизни тақомиллаштириш билан боғлиқ кенг қўламли вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Фуқаролар мурожаати институти демократик жамиятнинг муҳим кўзгусидир. Мамлакатимизда бу йўналишда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Узгараётган давр, янгиланаётган технологиялар бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни янада тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ушбу йўналишдаги халқаро ва миллий тажриба чуқур ўрганилиб яратилган янги қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар ўз ифодасини топган. Қонунни татиқ этиш доирасининг кенглиги, жисмоний шахслар билан бирга юридик шахсларнинг ҳам мурожаатларини қўриб чиқиш тартиби жорий этилаётгани, электрон мурожаатнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланаётгани бунга мисолдир.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш ва ҳал этишда масъулиятини оширишга оид меъёрлар татиқ этилаётгани жамиятимизни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонун лойиҳалари омма орасида кенг муҳокама этилмоқда. Бугунги кунгача ушбу йўналишда матбуотда ўттизга яқин мақола чоп этилди. Телевидение ва радиога юздан зиёд чиқишлар уюштирилди. Муҳокамалар жараёнида туган тақлифлар ишчи гуруҳ томонидан синчиқлаб ўрганилиб, қонун лойиҳасини тақомиллаштиришда улардан самарали фойдаланилмоқда.

Тадбирда янги қонун лойиҳаларини янада тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар айtilди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Сергели туман ҳокимлигида

АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Сергели туман ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 4 октябрида «Сергели туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жомоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 613-сонли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан Сергели туманида 2013 йил учун ҳақ тўланадиган жомоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги қарориди ҳақ тўланадиган жомоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига шундай ишларнинг ташкил этилишини таъминлаш, жомоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жағмармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи эса иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жағмармаси ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жомоат ишларига юборилган фуқароларнинг жомоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот уч кунлик муддатда марказга ёзма равишда ҳабар қилиниши белгиланди.

Қарорнинг тўлиқ матни билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Шу азиз Ватан — барчамизники

ЎЗБЕКИСТОН — ОНА ВАТАНИМИЗ!

Ўзбекистон — бағрикенг диёр эканлигини биз ҳамиша фахр ва ифтихор туйғулари ила тилга оламиз. Бунга тўла асосимиз бор. Зеро, ўтган асрдаги оғир қатагон ва иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп жабру ситамларга рўбарў келган корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, крим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг бутунги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватанга айланди. Чунки улар шу ерда туғилиб, камолга етдилар, ҳаётида ўз ўрни-ларига эга бўлдилар.

Менинг ҳам ота-онам, боболарим Ўзбекистон заминига бундан 76 йил муқаддам кўчириб келтирилган. Тақдир тақозоси билан, отам ва онамдан бир ёшга тўлмасидан айрилиб қолганман. Шундай оғир пайтда мени биз билан бир ҳовлида яшаган ўзбек оиласининг яқинда фарзанд кўрган келинчаги Тўхтаҳон опа ўз болаларидай авайлаб, кўкрак сuti билан катта қилганлар. Барча яқинларим ва мен учун Тўхтаҳон опа ва уларнинг оила аъзолари энг яқин инсонларга айлиниб қолган. Мен ушбу ахил, меҳрибон оилда ўлғаяр эканман, ўзбек халқининг бағрикенглиги, болалар тарбиясида катта эътибори, ғамхўрлиги ва жонқурлигини ёшлимдан билганман. Тўхтаҳон опа ва уларнинг турмуш ўртоқлари Аҳмадхон ака, тутинган акам Мамасолилар бизнинг катта ўзбек ва корей оиламизнинг ажралмас қисми эдилар. Бизнинг оиламизга ўхшаш бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбек замини билан ўз тақдирини боғлаган ва ҳаётида ўз бахтларини топишган.

Бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечириб, келажаги буюк Ўзбекистоннинг бугунги тарақиёти, эртанги истиқболига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, таълим олиб, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-ҳувор эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун барча имкониятлар яратилган. Ҳозирда саҳий ўзбек заминидан 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар ўз халқларининг анъаналари, маросимларини сақлаган ҳолда, уларни Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллари яқиндан таништириш, қолаверса, ўзбек халқининг маданияти, санъати, тили, урф-одатларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хеч шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар меҳмондўст ва سخоватли Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда икки юз мингга яқин корейслар истиқомат қиладилар. Улар мустақил дйримиздаги барча миллат ва элатлар сингари Ватан тарақиёти, бугун эртанги истиқболига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, бугун ўзбекистонлик корейслар орасида Ўзбекистон Каҳрамони, сенаторлар, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фанимиз заҳматкашлари бор. Миллатлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик бугунги Ўзбекистон ҳаётининг, халқимиз миллий-маънавий қиёфасининг энг гўзал тимсолларидан бири сифатида намойн бўлмоқда. Хар бир миллатнинг ўзига хос қадриятлари, урф-одат ва анъаналари борлиги каби қадриятларини ҳам ўз тарихи, маънавий қадриятлари маъжуд. Уларнинг бардавонлигини таъминлаш учун барча шароитлар яратилган. «Соллар», «Танго», «Чусок» ҳамда «Хансик» деб номланувчи корей миллий байрамларининг мунтазам ўтказилиши ҳам фикримиз далилидир.

Марказимиз ойига бир марта чоп этиладиган ўз нашрига — «Корё синмун» газетасига эга бўлиб, унинг Корёкалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз ўқувчилари бор. Шунингдек, «Ўзбекистон» телеканали орқали ўзбекистонлик корейслар ҳаёти ва фаолиятидан ҳисса қўлувчи «Чен Сон» кўрсатуви ҳам ҳар ҳафтада мунтазам эфирга узатишмоқда.

Шуни таъкидлаш керакики, Жанубий Корёя билан ўрнатилган дипломатик муносабатлар, иқтисодий-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик, Президентимизнинг Жанубий Корёяга қилган давлат ташифлари ўзбекистонлик корейсларнинг ҳам бағрини тоғдек кўтарди. Негатики, давлатлараро қабул қилинган шартномалар замирида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришдек улкан мақсадлар мўжассам.

Бугун шуни фахр билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон — барчамизнинг она Ватанимиз! Тили, дини, миллати ва элатидан қатъи назар шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз Ватанини севади ва кўз қорачиқидек асрайди. Чунки бу заминда ақдоқларимиз киндик қони тўқилган. Биз ана шу обод ва меҳмондўст юрда туғилганимиз, Ватан равнақиға баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиз учун тақдиримиздан миннатдоримиз.

Виктор ПАК,

Ўзбекистон Корейс маданий марказлари уюшмасининг раиси

**Мамлакатимизда
фаолият кўрсатаётган
миллий-маданий
марказлар ташаббуси
билан кўплаб турли
туман маданий-
маърифий тадбирлар,
спорт
мусобақаларининг
ўтказиб келинаётгани
эътиборга лойиқдир.
Жумладан, арман
миллий-маданий
маркази томонидан
Республика
Байналмилал
маданият маркази
билан ҳамкорликда
юртимиздаги миллий-
маданий марказлар
жамоалари ўртасида
мини-футбол бўйича
анъанавий ҳалқаро
турнирлар ташкил
этиб келинмоқда.**



ҲАМЖИҲАТЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Чунончи, аввал ўтказилган учта турнирда дастлаб украин миллий-маданий марказининг «Славутини», сўнг икки бор арман миллий-маданий маркази шарафини ҳимоя қилган «Апага» командалари голиб чиққан эди. Таъкидлаш жоизки, ўтган учтала мусобақа якунларига кўра «Апага» жамоаси энг кўп тўп киритган (93 та) ўз дарвозасидан энг кам гол ўтказиб юборган (18 та), энг кўп галабага эришган (15 та), энг кам мағлубият аламини тотган (1 та) бўлиб, энг яхши натижаларга эришган эди.

Шаҳримиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган мини-футбол турнирида миллий-маданий марказлар жамоалари турнирчи бор галаба учун кураш олиб боришди.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган миллатлар ва элатлар ўртасида яқдиллик, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада ривожлантириш мақсадида уюштирилган турнирда жами сақизига жамоа «А» ва «В» гуруҳларига бўлинган ҳолда ўзаро баҳс юритди.

Мусобақанинг биринчи кунини куйидаги натижалар қайд этилди: «Апага» (арман миллий маданий маркази МММ) — «Эллас» (грек МММ) — 3:2; «Аюдаг» (қрим татарлари МММ) — «Корё» (корейс МММ) — 5:7; «Ориёно» (тожик МММ) — «Уйғун» (уйғур МММ) — 5:2; РКЦ (рус МММ) — «Луйс» (самақанддаги арман МММ) — 2:3; «Аюдаг» — РКЦ — 7:3; «Эллас» — «Уйғун» — 3:2; «Корё» — «Луйс» — 1:1.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, мазкур турнирга бағишлаб катта маданий дастур тайёрланган бўлиб, бахсларнинг таймлари ўртасида ҳамда ўйинлардан кейин миллий маданий марказлар

иштирокида жозибали кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Айниқса, иккинчи кун мусобақалар бошланишидан олдин корейс миллий маданий маркази томонидан тайёрланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусидаги концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Гуруҳдаги ҳал қилувчи беллашуларда жамоалар аъзолари ўзларининг бор куч-маҳоратларини ишга солиб, чиройли ва сермахсул ўйин намойиш этишди.

Айниқса, «Аюдаг» — «Луйс» учрашуви низоҳатда муросасиз кечди. Ўйин бошларида «Луйс» ҳужумчиси Аммировнинг ўнг қанотдан туриб дарвозанинг чап тўқизлик қисмига жуда кучли зарба билан киритган тўпи турнинг энг чиройли голларидан бири сифатида эътироф этилган бўлса-да, бироқ охири-охирида ушбу баҳс 3:2 ҳисобида «Аюдаг»нинг галабаси билан якунланди. Турнир голибига даъвогар «Апага» ва «Корё» командаларининг ўз рақибларини йирик 7:3 ҳисобида мағлубиятга учратишганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ярим финал ўйинида «Ориёно» жамоаси дастлабки шов-шувли натижани қайд этиб, дарвозабони Шохруҳ Бобоқулловнинг бетимсол маҳорати эъзизига 3:0 ҳисобида «Корё»ни енггани ҳолда финалга йўлланма олди.

Иккинчи баҳсда эса қутилганидек, турнирнинг икки қарра голиби «Апага» «Аюдаг»ни 4:2 ҳисобида мағлуб этишга муваффақ бўлди.

«Апага» — «Ориёно» жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам хавфли вазиятларга бой ўтган бўлса-да, бироқ ҳисоб очилмади. Ўйиндан кейинги пенальтилар сериясида дарвозабоннинг маҳорати қўл кел-

диб, 4:1 ҳисобида устун келган «Ориёно» илк бор турнир голиби бўлди ва бош совринни қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун ўтказилган ўйинда «Аюдаг»ни 7:3 ҳисобида енгган «Корё» командаси таркибидан 1979 йилги машъум авиакатастрофа натижасида ҳаётдан кўз юмган «Пахтакор» сардори Михаил Аннинг ўғли Дмитрий Ан тўп сурганлигини таъкидлаш жоиз.

Голибларга совринни Республика Байналмилал маданий маркази раиси Насриддин Мухаммадиев топишди.

Мусобақа якунидан сўнг турли номинациялар бўйича энг яхши футболчиларга махсус мукофотлар топишди.

Жумладан, «Апага» ўйинчиси Андроник Абрамян мусобақанинг энг яхши ўйинчиси деб тан олинган бўлса, Шохруҳ Бобоқуллов («Ориёно») — энг яхши дарвозабон, Евгений Казанцев («Эллас») — энг яхши ҳимоячи, Зафар Сафаров (РКЦ) — энг яхши ярим ҳимоячи, Жавфар Ирисметов («Аюдаг») — энг яхши ҳужумчи сифатида махсус совринлар билан тақдирланди. Ўнта тўп билан Карен Авакян («Апага») — энг сермахсул ўйинчи бўлди. 76 ёшли Геннадий Сафаров («Апага») — энг кекса ўйинчи, Карен Сафаров («Луйс») галабага бўлган интилиши учун, Дмитрий Ан эса Эдуард Аванесов хотирасига бағишланган мукофотларга сазовор бўлишди.

Бундай мусобақалар юртимизда истиқомат қиладиган турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, албатта.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: турнирдан лавҳа
Козим Улмасов олган сурат

Тадбирлар

ТИЛ — ДИЛНИНГ СУРАТИДИР

Тошкент молия институтинда «Давлат тили ҳақида»ги қонун кучга кирган кун муносабати билан «Тил — миллат онаси» мавзусида ўтказилган илмий-адабий анжуманда севинч ва фахру ифтихор руҳи ҳукмрон бўлди. Унда таниқли адабиётшунос, тилшунос олимлар, ўзбек ва рус тиллари кафедраси ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этишди.

Анжумани институт проректори А.Каримов кириш сўзи билан очди ва она тили миллат маънавий-маърифий ҳаётининг кўзгуси, тафаккуримизни бойитишда энг самарали омил, хусусан, ёш авлодни камолга етказиш бўйича етакчи восита эканини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий университети профессори Ҳамидулла Дадабоев «Давлат тили ва унинг жорий этилиши» мавзусидаги маърузасида бебаҳр маънавий-маърифий мулк бўлган ўзбек тилини иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол жорий этишда эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган айрим нуқсонларга тўхталди.

Алишер Навоий номидиги Миллий кутубхона нодир қўлёзмалар бўлими мудири Зухриддин Исомиддинов маърузасида она тили захирасидан унумли фойдаланиш борасида мавжуд турли муаммоларни таҳлил қилар экан, куйидаги муҳим фикрни ўртага ташлади: «Тилимиз чинакам давлат тилига айланиши, фақат чиқарилган қонунга эмас, ана шу тарихий ҳужжатга таъниб иш олиб борадиган одамларнинг самарали фаолиятига, катта ёки кичик ҳар бир қорхона ва ташкилот раҳбарининг миллатпарварлигига боғлиқ».

Тадбир сўнгидиги институт талабалари байрамга атаб тайёрлаган бадиий дастур намойиш қилинди. Дилрабо куй-қўшиқлар, шеър ва жозибали рақслар барчани ҳушнуд этди.

Нилуфар ДИЛМУРОДОВА,
Тошкент молия институтини
«Ўзбек ва рус тиллари» кафедраси
ўқитувчиси

МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетинда Давлат тили мақоми берилганлигининг йилгирма тўрт йиллиги муносабати билан «Тил — миллат кўзгуси» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Давлат тилининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада қучайтиришда ЎЗМТДПнинг вазифалари ва ўзбек тили ривожининг тарихий йилликлари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтилди. Йиғилганлар томонидан миллий қадриятларимизнинг асосий устуларидан бири бўлган она тилимизга бўлган муносабатларини эътироф этишди.

Тадбирда ўзбек тили ва у билан бир қаторда барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, қонун йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим олиш, муҳим ахборот ва маълумотларни қабул қилиш каби ҳуқуқларини қафолатлаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

— Тил инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси, — дейди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси Отабек Жиянбоев. — Фикрни ифодалашда ва ҳақиқат аъзоларининг бир-бири билан фикр алмашинишига ҳам тил ёрдамидан кенг фойдаланамиз. Шундай экан, ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз она тилига катта эътибор қаратиши ва унинг мавжудлиги, ривожланишининг асосий шартларидан бири бўлганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда ўзбек тили ҳақида сўз юритилар экан, бугунги кунга келиб тил билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва бунга жиддий эътибор қаратиш лозим эканлиги таъкидланди.

Зиёда ОРТИҚОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



**Саноат корхонаси
ишлаб чиқариш
жараёнида тажрибаси
бўлган**

**= 4-6 тоифали электр
монтажчилар;
= 4-6 тоифали
электрикларни доимий ишга
қабул қилади. Иш ҳақи 2
миллион сўм ва ундан
юқори.**

**Корхона ишчиларни хизмат
транспорти, бепул овқат билан
таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида
тўланади.**

**Чимёнда болалар соғломлаштириш
оромгоҳига эга.**

**241-10-81 иш.,
Мулоқот учун телефонлар: 929-55-97 моб.,
167-17-58 моб.**



Наврў — умумхалқ байрами, Ўзбекистон ва Озарбойжон давлатларининг мустақиллик байрамлари, улғу мутафаккирлар Алишер Навоий ва Низомий Ганжавий таваллиди саналарини нишонлаш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Мухтасар қилиб айтганда «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти фаолиятининг асосий мақсади ҳар иккала давлат ва халқлар ўртасидаги муносабатлари халқ дипломатияси каби самарали усуллар воситасида янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўишдан иборатдир.

Дўстлик жамияти билан Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Тошкент шаҳридаги Ҳайдар Алиев номидаги озарбойжон маданият маркази билан ҳар икки халқнинг қадимий тарихи, бой маънавий мероси ва истиқлол йилларида иқтисодий — маданий соҳаларда эришган ютуқларини ўзаро тарғиб қилиш бўйича доимий ҳамкорлик йўлига қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбойжон давлатлари ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларида келиб чиқиб, дўстлик жамияти томонидан ўз фаолиятини мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан бирга янги шакл, усул ва воситаларни амалиётга жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш саъй-ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

— Жумладан, ҳар йили дўстлик жамиятининг фаолият режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда турли маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, халқ дипломатияси йўли билан ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамиятининг иқроқи директори, Тошкент Давлат педагогика университети тарих кафедраси профессори Эркин Нуриддинов. — Чунончи, йил давомида жамият томонидан амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирларга назар ташлар эканмиз, ҳақиқатан ҳам дўстона алоқаларни янада ривожлантириш борасидаги ишлар қўламини тобора кенгайиб бораётганининг шожиди бўламиз.

**«Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти 1998 йилда ташкил
этилган бўлиб, жамият томонидан истиқлол йилларида давлатимизнинг
хорижий мамлакатлар билан ўрнатган ҳар томонлама манфаатли
ҳамкорлиги асосида ўзбек ва озарбойжон халқлари ўртасида
қардошлик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида
турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.**

Шундай муҳим тадбирлардан бири 2013 йил март ойида ташкил этилиб, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистонда янги тайинланган Фавқуллода ва мухтор элчиси жаноб Гусейн Гулиев билан учрашув ташкил этилди. Ушбу танишув учрашувида икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик алоқалари ҳамда халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, кўплаб турли тадбирлар ташкил этиш

Истиқлолимизнинг қўллуғ тўйи арафасида Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият марказида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган катта тантанали кеча ташкил этилди. Ушбу тадбирда «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти аъзолари ва Низомий номидаги ТДПУ профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Шунингдек, «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон ва Озарбойжон халқларининг маданий ва маърифий муштараклиги» мавзусида катта маданий тадбир ўтказди. Унда Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Г.Гулиев, элчихона вакиллари ҳамда Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият марказининг барча ходимлари қатнашди.

Байрам тадбири давомида Мустақиллик йилларида Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларидаги бағишланган маърузалар тингланди. Низомий номидаги ТДПУ «Ўзбек тили ва адабиёти» ва «Санъат» факультетларининг профессор-ўқитувчи ва талабалари иштирокидаги бадиий ва мусикавий чиқишлар бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти делегациясининг 2012 йил 22-29 октябрь кунлари Озарбойжон Республикасига қилган сафари ҳам Озарбойжондаги турли туман ташкилотлар ва «Озарбойжон — Ўзбекистон» дўстлик жамияти билан яқин алоқаларни ўрнатиш борасида ўзига хос ўрин тутди. Таассуротларга бой тарзда ўтган сафар давомида делегация аъзолари Озарбойжон халқининг машҳур ёзувчиси, драматург Ҳусейн Жовиднинг 130 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда ўз маърузалари билан қатнашдилар, Озарбойжон Давлат маданият ва санъат университети фаолияти билан яқиндан танишдилар, Озарбойжон Республикаси Фанлар академияси кутубхонасида бўлдилар. Энг муҳими, «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти делегациясининг «Озарбойжон — Ўзбекистон» жамиятининг вакиллари билан учрашуви ташкил этилди. Тадбир давомида ҳар иккала жамият ўртасида ҳамкорлик алоқаларини юритиш ҳамда биргаликда Ўзбекистон ва Озарбойжон ҳудудларида турли тадбирлар ташкил этиш истаклари билдирилди.

Уйлаимизки, «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти саъй-ҳаракатлари билан тили ва дили, урф-одатлари бир-бирига яқин ҳар иккала халқ ўртасида маданий-маърифий соҳалардаги дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланиб бораверади. Зеро, юртимизда бунинг учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

масалалари муҳокама қилинди.

Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият марказида Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Наврў байрамига бағишланган катта тантанали тадбир ўтказилиб, унда «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти аъзолари ҳамда Низомий номидаги ТДПУ «Санъат» факультетининг талабалари мусикали чиқишлар билан иштирок этдилар.

Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамияти ҳамкорлигида Тошкентдаги Озарбойжон маданият марказида Ҳайдар Алиев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ҳайдар Алиевнинг Озарбойжоннинг мустақилликка эришиши ва мамлакатни миллий тарақиёт йўлига олиб чиқиш борасида амалга оширилган ишлари тўғрисида сўз юритилди. Шунингдек, икки қардош давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ва уларни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Озарбойжон халқининг умуммиллий етакчиси, Озарбойжон Республикасининг собиқ президенти Ҳайдар Алиев, бугунги кунда эса Президент Илҳом Алиевнинг муносиб хизматлари тўғрисида қимматли маълумотлар берилди. Тадбир таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурига уланиб кетди.

Май ойи охирида Озарбойжон Республикасининг мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилган байрамда «Ўзбекистон — Озарбойжон» дўстлик жамиятидан тақлиф этилган аъзолар иштирок этишди.

Спорт янгилликлари

УЧРАШУВЛАР,
НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР

Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 22-тур баҳслари яна пешқадам командаларга муҳим очколарни тўхфа этди.

«Пахтакор» марказий стадионида чемпионат пешқадами «Бунёдкор» жамоаси «Олмалик» билан куч синашди. Айтиш жоизки, биринчи даврада айнан «Олмалик» жамоаси ўз майдонида «Бунёдкор» устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Шу боис ҳам кўпчилик учрашув мурасиз кечади, деб тахмин қилган эди. Бироқ ўйинни анча сермазмун тарзда ўтказган Миржалол Қосимов шогирдлари меҳмонларни йирик 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шу кунги мухлислар «Бунёдкор»дан — Зотеев, Пшур, Анавар Бердиев (2 та), «Олмалик»дан — Абибуллаев томонидан дарвозаларга киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Шунингдек, ушбу турда пойтахтимиз жамоалари «Локомотив» ва «Пахтакор» ҳам муҳим очколарга эга бўлишди.

Самарқандда «Динамо» меҳмони бўлган пахтакорчилар мезбонларни 2:1 ҳисобида енгишнинг уддасидан чиқиб кетди. Бекқободда «Металлург» билан куч синашган «Локомотив» рақибларини 4:1 ҳисобида енгиб муҳим очколарни қўлга киритишди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар кайд этилди. «Нефтчи» — «Сўғдиёна» — 0:2, «Шўртан» — «Насаф» — 1:4, «Навбахор» — «Қизилқум» — 1:0, «Бухоро» — «Гулистон» — 3:1.

Ушбу турдан сўнг «Бунёдкор» 52 очко билан турнир жадалда карвонбошилиқ қилаётган бўлса, иккинчи, учинчи ўринларни 48 тадан очко жамғарган «Локомотив» ҳамда «Насаф» жамоалари эгаллаб туришибди. Тўртинчи ўринда бораётган «Пахтакор» ҳисобида 44 очко бор.

Акбар Йўлдошев



Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган сурат

Туркиянинг Бурса шаҳрида каратэнинг WKFU йўналиши бўйича жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

Мусобақада ўз ёш ва вазн тоифаларида ката ва кумитэ баҳсларида Шахзода Аусбаева, Айсенем Алламбергенова, Айнура Бекмуродова, Мухаммадбадулазиз Хўжакулов, Бехруз Чориев, Нишонбой Хайдаров, Владимир Миронов, Хўжамкул Хўжакулов каби каратэчиларимиз олтин медалларни қўлга киритдилар.

Терма жамоамизнинг асосий таркибидан жой олган 20 нафар ёш ва умидли спортчиларимиз кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди. Яқинда Ўзбекистон терма жамоаси 13 та олтин, 9 та кумуш, 11 та бронза медалларини қўлга киритиб кучли учлиқдан жой эгаллади.

ЁШ
САМБОЧИЛАРИМИЗ
ТАЖРИБАЛАРИНИ
ОШИРМОҚДА

Грециянинг Салоники шаҳрида самбо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди.

Нуфузли турнирда юртдошларимиздан Жаҳонгир Раҳимов ва Давлатжон Хамроев кумуш, Тоҳир Асроров, Нилуфар Раҳмонова ва Маликабону Мирзаева бронза медалларига сазовор бўлди.

Бу каби чемпионатларда иштирок этиётган ёш спортчиларимиз ўзлари учун бой тажриба тўплаб, келажақда албатта ҳар томонлама етук спорт устаси бўлиб етишадилар.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ

ЛУВРДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ПИАНИНОЧИННИНГ КОНЦЕРТИ

Йигирма уч ёшли ўзбек пианиночиси Бехзод Абдураимов Луврда санъат ихлосмандларига ўз концертини тақдим этади.

Ёш ижрочилар иштирокидаги мазкур концерт ОАВ воситаларида тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Концерт дастурида ҳамюртимиз, истеъдодли санъаткор Бехзод Абдураимов томонидан машҳур жаҳон клас-

сиклари Шуберт ва Шопен асарлари ижро этилади.

Бехзод муваффақият чўққиларига 2009 йилдан илдам кўтарила бошлади. У ўшанда 18 ёшида Лондонда бўлиб ўтган Халқаро танловда Прокофьев-

нинг №3 фортепьяно концерти билан танлов ҳакамларининг эътибори ва эътирофини қозонган эди. Бу унутилмас воқеадан сўнг «BBC Music» журналида ўзбек пианиночисининг ажайиб ютуғи ҳақида махсус мақола ёритилди. Дунё мусиқа аҳли Бехзод қиёфасида яна бир истеъдодни кашф қилди. Бугунги кунда ўзбекистонлик пианиночи Бехзод Абдураимовнинг чолғу маҳоратига бутун дунё лол қолмоқда.

«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 сентябрдан 2013 йил 20 октябргача ойлار давомида кимовиди савдо натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
24.09.2013	Бектемир тумани СИБ	1983 й. и.ч. «Ваз-2106» д.р. 10 В 913 АА	5 150 980,00	5 650 000
26.09.2013	Оханган тумани СИБ	1988 й. и.ч. «ГАЗ-2106» д.р. 01 М 815 ДА	3 818 443,68	4 090 000
	Мирзо Улугбек тумани СИБ	2011 й. и.ч. «Нексия Сонс» д.р. 10 S 063 КА	28 000 000	29 650 000
	Юнусобод тумани СИБ	2002 й. и.ч. «Дамас» д.р. 01 147 РВА	19 405 000	20 650 000
	Бектемир тумани СИБ	2006 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 К 837 ГА	19 814 845	21 050 000
30.09.2013	Зангиота тумани СИБ	1982 й. и.ч. «Ваз-21011» д.р. 10 М 223 АА	1 969 200	2 150 000
		1979 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 L 2019	215 229	280 000
		1980 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 10 G 9830	348 300	395 000
		1979 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 11 L 9349	561 733	660 000
		1979 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 L 0542	998 814	1 090 000
		1974 й. и.ч. «Ваз-21011» д.р. 10 O 014 СА	932 974	1 040 000
	Янгиёул тумани СИБ	1979 й. и.ч. «Уаз-Б» д.р. 01 А 2595	211 537,3	295 000
03.10.2013	Бектемир тумани СИБ	1961 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 L 6686	727 942,2	825 000
	Уртанирчиқ тумани СИБ	2007 й. и.ч. «Ваз-2107» д.р. 10 Q 937 FA	12 210 300	13 150 000
		«Нексия» д.р. 14 W 0573	12 840 390	13 750 000
		«Нексия Донс» д.р. 01 O 383 НА	27 900 000	29 550 000
07.10.2013	Миробод тумани СИБ	1979 й. и.ч. «Ваз-21011» д.р. 11 K 5332	2 427 516	2 600 000
		2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 U 948 СА	16 442 033	17 440 000
10.10.2013	Бектемир тумани СИБ	2010 й. и.ч. «Пассет» д.р. 01 C 909 FA	40 500 000	42 930 000
11.10.2013	Умиллибанк Ангрен филиали	2011 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 J 559 JA	27 000 000	28 650 000
		2006 й. и.ч. «JAC-HFS-5030-XXKW» д.р. 10 446 WAA	18 000 000	18 800 000
14.10.2013	Шайхонтоҳур тумани СИБ	2010 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 B 288 GA	20 250 000	21 450 000
		2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 60 R 214 AA	17 200 000	18 100 000
		2010 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 967 SAA	29 700 000	31 200 000
		2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 799 SAA	19 400 000	20 600 000
	Бектемир тумани СИБ	2008 й. и.ч. «Нексия» д.р. 10 N 091 B	23 523 000	24 750 000
	Бўқа тумани СИБ	1989 й. и.ч. «ГАЗ-Ваз 21063-СПГ» д.р. 10 N 497 EA	6 564 918	7 050 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 сентябрдан 2013 йил 20 октябргача ойлار давомида кимовиди савдо натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Кўчмас мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
23.09.2013	Бектемир тумани СИБ	Бектемир тумани СИБ томонидан 17.01.2013 й. № 1-383-сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, М.Азизов 3-бўғ қўчаси, 1-уй	152 000 000	161 000 000
03.10.2013	Мирзо Улугбек тумани СИБ	Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 04.11.2011 й. № 55970-71/12 - сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Темир Малик қўчаси, 36-уй, 16-хонадон	44 000 000	46 700 000
11.10.2013	Юнусобод тумани СИБ	Юнусобод тумани СИБ томонидан 23.05.2011 й. № 13855/22-сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент вилояти, Қўбрат тумани, Янгибод қ.ф.да жойлашган ер участкаси	54 640 000	58 000 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 12 ноябрь кунин соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги қўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Файзобод» ТИФ божхона масканда сақланаётган: 1. 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 987 FAA бўлган «Газ 53» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 458 271 сўм. 2. 1991 йилда и/ч дав. бел. 40 D 492 DA бўлган «Ваз 2121» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 925 998 сўм. 3. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 SA бўлган «CHANASCO-6382» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 506 454 сўм. II. Миробод тумани СИБ томонидан: 1. 2012 йил 1 августдаги 27276/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 1992 йилда и/ч дав. бел. 01 E 716 GA бўлган «Заз 968» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 166 740 сўм. 2. 2012 йил 9 июлдаги 24499/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч дав. бел. X 138 FRM бўлган «Волво 460» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 304 873 сўм. 3. 2012 йил 1 августдаги 14744/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2001 йилда и/ч дав. бел. X 195 BCN бўлган «Тайота

бел. 10 D 404 AA бўлган «Лада-11194-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 909 408 сўм. 3. 2012 йил 3 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман СИБ ховлисида сақланаётган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 30 N 488 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 775 754,40 сўм. IV. Учтепа тумани СИБ томонидан 1. 2011 йил 2 ноябрдаги 1-9124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙўХБ Мўйноқ жарима майдончасида сақланаётган, 1991 йилда и/ч дав. бел. 30 U 6114 бўлган «Мерседес Бенц 230» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 000 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон қилинган кундан бошлаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги қўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидagi Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи куйидаги вазифага

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари. Танловда олий маълумотли, таълим тизимда 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга, илгари судланмаган, доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштироки этишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-бўрилиш, 1-уй. Тел: 289-40-30

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги «Allegro Style» масъулияти чекланган жамияти ўз номини «Allegro Style» оилавий корхонаси деб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «Allegro Style» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан даъволар бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел. 237-06-99.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 26 ноябрь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2012 йил 29 августдаги 1-549/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 1-мавзе, Арнасой қўчаси, 36-уй, 1-хонадонда жойлашган нотурар жой. Бошланғич нархи — 88 585 699,75 сўм.

2013 йил 12 ноябрь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулклар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилган:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2012 йил 10 майдаги 1-74/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шохжонхон қўчасида жойлашган, умумий майдони 92,0 м.кв., фойдаланиш майдони 79,5 м.кв. бўлган, бир қаватли 13, 14, 15, 16, 17, 18-сонли олтирта савдо дўконлари. Бошланғич нархи — 85 805 573751 сўм.

2. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2011 йил 7 ноябрдаги 1-1051/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 9-қават, Катортал қўчасида жойлашган, умумий майдони 338,0 м.кв., фойдаланиш майдони 137,0 м.кв., ҳужжатсиз қурилма майдони 16,0 м.кв. бўлган савдо мажмуаси. Бошланғич нархи — 279 329 571,144 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунин қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаган закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қўшбеги қўч., 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар М.Улугбек туманлараро судининг 11.10.2012 йилдаги 1-6799/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган «Шарқли Мелиса» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган «Нексия ДОНС-2» русумли д/р 01 О 062ВА бўлган, 2009 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 29 908 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 26 ноябрь кунин соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири муддати: 2013 йил 22 ноябрь кунин соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш қўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 24 октябр кунин ҳаво ўза-риб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 24 ва эрталаб 25 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 25 октябрда чиқади).

Тошкент Оқшони

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1041

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8632 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-м